



ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА МИЛЛИЙ ТУРИЗМ ТАРМОҒИНИ ТУТГАН ЎРНИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ

Райимов Фаррух Эркинович

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти,

Ассистенти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7325526>

ARTICLE INFO

Received: 03rd November 2022

Accepted: 13th November 2022

Online: 15th November 2022

KEY WORDS

Ҳозирда жаҳонда юз бераётган глобализация жараёнларининг тезлашиб бориши давлатлардан туризм тармоғини ривожлантириш орқали муҳим масалаларни ечиш имкониятини яратишни тақозо этмоқда. Шу жумладан, республикамизда олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлган туризм тармоғини ривожлантириш энг долзарб вазифалардан бири сифатида белгиланди. Хизматларнинг халқаро савдоси таркиби ва динамикасининг таҳлил натижалари кўрсатишича, хизматлар импорти ва экспорти жадал суръатлар билан бормоқда. Ҳозирги вақтда жаҳондаги товар айланмасида унинг улуши 25% ни ташкил этади. Бунда хизматларнинг халқаро савдосида етакчи ҳисобланган давлатларнинг (АҚШ, Германия, Япония, Буюк Британия ва Франция) улушлар йиғиндиси 50% дан ортиғини ташкил этади.

Транспорт, ахбороткоммуникация хизматлари ҳамда туризм хизматлари янада жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

ABSTRACT

Мақолада туризмнинг миллий иқтисодиётдаги ўрни ўрганилиб, туризм соҳасидаги иқтисодий ривожланишни статистик баҳолаш масалалари ва йўналишлари ёритиб берилган. Шунингдек, аниқ мақсадларга эга, долзарб муаммоларга жавоб берадиган ва бир қатор миллий хусусиятларга мос келадиган туристик хизматлар даражаси ва сифатининг миллий концепциясини шакллантириш зарурати ва уни амалга оширишнинг асосий компонентлари ва тамойиллари кўрсатиб берилган.

Минтақалар кесимида қаралганда хизматларнинг халқаро савдоси етакчилари сифатида Ғарбий Европа мамлакатлари (қарийб 50%), Шимолий Америка давлатлари (20% атрофида) ва Осиё минтақаси (20% дан ортиғи) эътироф этилади. Шарқий Европа, МДҲ давлатлари, Африка ва Марказий Осиё мамлакатларнинг ҳиссаси эса 2,5% атрофида бўлмоқда. Ўзбекистонда туризмсоҳасини тубдан ислоҳ қилишнинг, ўтиш даври қийинчиликларини бартараф этишда ушбу соҳадан самарали фойдаланишнинг, соҳа тармоқлари ва уларнинг таркибидаги хўжалик субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришнинг, туризм хизматлари соҳасини устун ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Мамлакатда туризм хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий-методологик, услубий, иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар




олиб борилмоқда: туризм хизматлари соҳасини жадал ривожлантириш ва унинг миллий иқтисодиётдаги мавқеини мустаҳкамлаш; соҳа тармоқларини модернизациялаш ва замонавий техника ва технологияларни жорий этиш; туризм хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий муаммоларини ҳал этишдаги ролини мунтазам равишда ошириб бориш, аҳоли истеъмоли таркибида туризм хизматлари улушини кўпайтириш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасиниянада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармонида [1] кўрсатилганидек, республикада туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтиришга олиб келадиган ўрта муддатли истиқболда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепциясига асосан, шунингдек, 2017-2021 йилларда концепцияни амалга оширишга доираниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Мазкур вазифаларни амалга оширилиши туризм соҳасининг иқтисодиётдаги улушини ортиши, унинг тезкор ривожланиши ҳамда туристик хизматлар сифатининг ошишига олиб келади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ички ва

зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида соҳада қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Туризм соҳасини ривожлантириш муаммоларига бағишланган илмий ишлар, услубий қўлланмалар ва амалий тавсияларни ўрганиш натижалари туризмда янгиликларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш масалалари етарли даражада тадқиқ этилмаганлигини кўрсатмоқда, бу эса, ўз навбатида, туризмни ривожлантиришга ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Шунинг учун мазкур муаммони ечиш ҳозирги вақтда ўта долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади. Кейинги йилларда Ўзбекистонда туризм тармоғини ривожлантириш, шу жумладан, имкон қадар қулайлик яратиш, тармоқнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш ва жаҳон бозорида миллий туристик маҳсулотни фаол танитиб бориш бўйича қатортадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги «Туризм тўғрисида»ги 549-сонли Қонуни қабул қилиниб, унинг доирасида ишлар амалга оширилмоқда [2]. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида 2020 йилда туризмнинг ЯИМдаги улуши 2,0 %ни ташкил этди. 2019 йилда бу кўрсаткич 2,6 %ни ташкил этган эди [4]. Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган чет эл фуқаролари сони тўғрисидаги маълумотлар 1-расмда келтирилган.



1-расм. Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган чет эл фуқаролари сони тўғрисида маълумот, киши[4].

Ушбу маълумотлардан кўриш мумкинки, мамлакатимизга ташриф буюрувчи чет эл фуқаролари сони 2018-2019 йилларда (2018 йил 2017 йилга нисбатан 2 баробар, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 126 %) кескин ошган бўлиб, 2020 йилга келиб, бутун дунёда кузатилаётган пандемия сабабли кескин (22,2 % ёки 2019 йилдагидан 4,5 баробар кам) тушиб кетган.

Мамлакатимизда туристик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар сони 2014 йилда 343 тани ташкил этган бўлса, 2018 йилда 502 тани ташкил этган ва 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 517 тага етган. 2020 йилга келиб эса пандемия сабабли ушбу фаолиятни амалга оширувчи

корхоналар сони 337 тани ташкил этган. Кузатилаётган пандемия мамлакатимизга ташриф буюрувчилар ва мамлакатимиздан хорижий давлатларга ташриф буюрувчи оқимларининг кескин камайишига олиб келди. Натижада туризм фойяти билан шуғулланадиган агентликлар ва корхоналар сонининг кескин камайишига сабаб бўлди.

Шу муносабат билан, бугунги кунда туризм фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларни сақлаб қолиш мақсадида ички туризмни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жадвал

Туристтик фаолиятни амалга оширувчи корхоналар ва хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчилар сони


	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Туристтик фирма ва ташкилотлар сони, бирлик	343	398	433	449	502	517	337
Улар томонидан хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчилар сони, минг киши	14,1	60,4	65,4	70	13,2	42,0	12,3
Шу жумладан:							
қабул қилинган	419	421,3	351,0	558,0	613,4	788,8	186,2



жўнатилган	6 1,2	9 8,4	8 0,1	7 2,5	8 4,9	1 28,5	1 8,6
фақат виза ва хорижий паспортни расмийлаштириш, меҳмонхона ва бошқа яшаш жойларини банд қилиш хизматлари кўрсатилган	3 3,9	4 0,7	3 4,3	3 8,8	1 4,9	2 4,7	7 ,5

Мамлакатимизда туризм соҳасини янада ривожлантириш, унинг ЯИМ даги улушини ошириш, катта ишчи кучи салоҳиятига эга аҳолини янги ишчи ўринлари билан таъминлаш мақсадида

туризм хизматлар бозорини чуқур таҳлил қилиш ва тегишли дастурлар ишлаб чиқишга асос яратадиган мукамал илмий тадқиқотларга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда.



2-расм. Туристик фаолиятни амалга оширган ташкилотлар сони, бирлик[4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони туристик фаолиятни амалга оширувчи корхоналарни қўллаб қувватлашга ёрдам беради.

Расмда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, йиллар давомида 2010-2019 йилларда туристларга хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар, хусусан санатория-курорт муассасалари ва дам олиш ташкилотлари сони ошиш тенденциясига эга бўлган ва 2020 йилда ўтган йилга нисбатан камайган.

Профессионал театрлар сони 2010-2016 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган ва 2016-2020 йилларда камайган. Музейлар сони эса 2010-2017 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган ва 2018 йилда кескин камайган.

2019 йилда туризм тармоқларида 230464 нафар киши иш билан банд бўлган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 189229 нафарни ташкил этган. 4-расмда 2020 йилларда туризм тармоқларида бандларнинг иқтисодий тармоқлари бўйича тақсимланишини кўришимиз мумкин. Шу ўринда эслатиб ўтишимиз лозимки, туризм тармоқлари фақат туристларгагина хизмат кўрсатилмайди. Улар одатий муҳитдаги фуқароларга ҳам хизмат кўрсатиши



мумкин. Шунинг учун ҳам иқтисодиётда туризм тармоқлари ва тўғридантўғри туризмга хизмат қилувчи тармоқларга ажратилади.

Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича замон талабига мос чоратадбирлар тизимини шакллантириш учун ушбу соҳанинг мамлакатдаги ҳолати ва унинг мамлакат иқтисодиётига қўшган ҳиссаси тўғрисида тўлиқ статистик маълумотларга эга бўлиш билан бирга, мазкур кўрсаткичларни бошқа давлатлар билан таққослаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Туризм билан боғлиқ кўрсаткичларнинг қиёсийлиги мамлакатда шакллантирилаётган туризм статистикасининг нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган стандартлар тамойилларига мувофиқлиги билан изоҳланади.

Шу нуқтаи назардан туризм соҳасини ривожлантириш бўйича нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган стандартларни ўрганиш ва соҳага оид статистик кўрсаткичларни шакллантириш жараёнида улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Туризм соҳасида бизнесни ривожлантириш борасидаги ноанъанавий ғоялар, маълумотлар хизматининг автоматлаштирилганлиги янги туристик маршрутларнинг яратилиши, уларнинг дастурий таъминотини ҳал этиш (масалан, меҳмонхона номерларини ва авиачипталарни аниқ вақт мобайнида брон қилиш) каби масалалар туризм соҳасидаги асосий инновацион фаолият турлари ва йўналишлари ҳисобланади. Ўз навбатида, туризмдаги инновациялар инвестицион ҳолатни ҳам яхшилайти, ишсизлик даражасини пасайтиради ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлайди. Туризм соҳасида инновация ривожининг асосий омиллари қаторига билим олиш ва кўнгилочар жойларга эҳтиёж, бошқа

маданиятлар билан танишув, ижтимоий-маданий алоқаларни яхшилаш ва қўллаб-қувватлаш, тарихий ёдгорликларни нафақат алоҳида бир шахс, балки жамият миқёсида асраш кабилар киради.

Туризм бизнесида инновацион давр саёҳатлар янги йўналишини очиш фикрининг пайдо бўлиш вақтидан, янги маҳсулотни яратиш ёки мавжудига ўзгартиришлар киритиш ниятидан, технологиялар ёки коммуникацияларнинг янги турларини жорий этишдан бошланади. Маълум истеъмолчига мўлжалланган маҳсулотнинг мақсадли тайёрланиши учун туристик маҳсулот кўламининг тахминий таъминланиш режаси ишлаб чиқилади ва белгиланади. Истиқболдаги туристик маҳсулот ғояси шакллантирилгач, ғояни амалиётга жорий этиш имкониятлари ўрганилади, етказиб берувчилар ва шерикларни қидириш ва саралаш, асосий ва қўшимча хизматларни, ташишни, тиббий суғурталашни режалаштириш, хомаки нархлашга оид иқтисодий ишланмалар амалга оширилади ва шундан сўнг маҳсулотнинг экспериментал текшируви ўтказилади. Ушбу текширув тақдимот, синов савдолари, эҳтимолли талаб ва рақобатни баҳолаш босқичларидан иборат бўлади. Янгиликни яратиш даври шу билан тугайди. Инновацион даврнинг навбатдаги босқичи туристик маҳсулотини олға суриш ва бозорга киритиш, сотиш ва бошқа тижоратлашувга йўналтирилган чоралар мажмуидан иборат бўлади. (тарғибот ва реклама тадбирлари, бевосита маркетингни ўтказиш, савдони рағбатлантириш, паблик рилейшнз).

Инновацион фаолиятда туристик бизнес тўпланган билимлар заҳирисига таянади. Янги ғояларни амалга ошириш ва туризмнинг янги йўналишларини яратишга киришишни олдин ва ҳозирги



кунда амалда бўлган иш шакллари ва услубларини англаш ҳамда ўрганишдан кейин бошлаш мумкин бўлади. Мазкур фаолият соҳасини тубдан тушуниш ҳодисалар ривожини олдиндан кўра билиш ва рақобатчилардан ўзиб кетиш имконини беради.

Туризм соҳасини ривожлантиришда туристик фирмаларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улармавжуд минтақада жойлашган ноёб тарихий обидалар ва гўзал табиатимиз захираларидан фойдаланиб, сайёҳлар

диққатини ўзига жалб қиладиган жозибадор туристик маҳсулотларни яратадилар. Шу билан бирга, ўзининг жозибаси ва таровати билан дунёдаги энг яхши дам олиш ва саёҳат масканларидан қолишмайдиган гўзал табиатимизнинг бойлиги ва хилма-хиллигини ҳам бу борадаги энг катта имкониятларимиз қаторида кўрамиз. Буларнинг барчаси мамлакатимизни жаҳон туризми марказларидан бирига айлантириши мумкин.

References:

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги “Туризм тўғрисида”ги 549-сонли Қонуни.
3. Макаров М.Ю. Построение модели устойчивого развития туристских территорий (на примере Краснодарского края). Диссертация на соискание учёной степени кандидата экономических наук. Сочи 2016 – 33,34 стр.
4. <http://www.stat.uz/>